

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

"РЎЙХАТГА ОЛИНДИ"

№ ВМ-343-53408-3.20

"1" июль 2003 й.

"ТАСДИҚЛАНДИ"

Ўзбекистон Республикаси

Олий ва ўрта махсус

таълим вазирлиги

"8" июль 2003 й.

**СОЛИҚ ҚОНУНЧИЛИГИ АСОСЛАРИ
фанидан
ДАСТУР**

**Олий таълимнинг 340000 - "Бизнес ва бошқарув"
таълим соҳасидаги 5340800 - "Солиқлар ва
солиққа тортиш" бакалавриат йўналиши учун**

Тошкент - 2003

Тузувчилар: доц. Саидхўжаев П.,
к.ўқ. Артиков Н.

Такризчилар: доц. Холбеков А.,
доц. Шамсутдинова Ш.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришганидан сўнг бозор иқтисодиётга ўтишнинг ўзимизга хос тамойиллари белгиланди. Бунда қонунларнинг устуворлигини таъминлаш асосий тамойиллардан бири ҳисобланади.

"Солиқ қонунчилиги асослари" фанининг ўқув режага киритилишидан асосий мақсад талабаларнинг ҳуқуқий билимини, ҳуқуқий онгини оширишдан, солиқ қонунчилигида ишлатиладиган асосий тушунчалар ва атамалар билан тушунтириш ва қўлланилишини ўргатиш ва мажбуриятларини ўргатиш ва амалиётда қўллаб олишни ўргатишдир.

Налоги играют огромную роль в жизни любого государства, общества и самих граждан. Отношения и социальные связи, возникающие между теми или иными субъектами, при установлении и взимания налогов, тщательно регулируются правовыми нормами. В тоже время совокупность этих норм, находя свое закрепление в нормативных актах различного уровня, взаимодействуя между собой и постоянно развиваясь, образует налоговое право.

Поскольку налоговое право явление относительное выявление особенностей его предмета и метода регулирования, правовой природы и отраслевой принадлежности представляет собой сложную, но актуальную работу.

Основной целью учебной дисциплины "Основы налогового законодательства" является ознакомление студентов с элементами основ налогового законодательства.

After the achievement independence of The Republic of Uzbekistan all democratic changes have happened and based on priority of law and respect to law and teach obeying to law. Tax right is going to have its own task in this program.

The most aims of entering of subject of "law of taxation" in to teaching plan are improving students' knowledge and brain of right, to explain main concepts and terms of law of taxation, to teach using of them and obligations and ability in practise.

Дастур Тошкент Молия институти Илмий Кенгашида муҳокама қилинган ва нашрга тавсия этилган (2003 йил 25 апрель 9-сонли баённома).

Дастурлар тўплами Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги олий ўқув юртлариаро илмий-услубий бирлашмалар фаолиятини

Мувофиқлаштирувчи Кенгаш мажлисида муҳокама қилинган ҳамда нашрга тавсия этилган (2003 йил 1 июль 37-сонли мажлис баёни).

1. СЎЗ БОШИ

Ўқув фанининг мақсад ва вазифалари, бошқа фанлар билан боғлиқлиги

Ўзбекистон Республикаси Олий таълимнинг давлат таълим стандартларига асосан "Солиқлар ва солиққа тортиш" йуналишида ихтисослик фанлар сифатида "Солиқ қонунчилиги асослари" фанининг ўқув режага киритилишидан асосий мақсад талабаларнинг ҳуқуқий билимини, ҳуқуқий онгини оширишдан, солиқ қонунчилигида ишлатиладиган асосий тушунчалар ва атамалар билан тушунтириш ва қўлланилишини, мажбуриятларини ва амалиётда қўллай олишни ўргатишдир. "Солиқ қонунчилиги асослари" фани бир қатор фанлар билан узвий боғланган. Дастлаб бошланғич таълим олиш мақсадида "Солиқ назарияси", "Молия назарияси", "Иқтисодий назария" "Давлат ҳуқуқи асослари" фанлари пухта ўрганилиши керак.

Ўқув фани бўйича билим, кўникма ва малакаларга талаблар

"Солиқ қонунчилиги асослари" фани бўйича касб фаолияти соҳаларида эришилган асосий ютуқлар, муаммолар ва уларнинг ривожланиш истиқболлари ҳақида тасаввур ҳосил қилиш, тегишли бакалавриат йўналиши бўйича махсус билимларни, касб фаолияти кўникмалари ва уқувларини шакллантириш, семинар ва амалий машғулотлар ўтказилиши мўлжалланган бўлиб унда талабаларнинг фаол иштирок этиши талаб этилади.

Амалий машғулотлар бўйича бажариладиган ишлар минимал миқдорига талаблар

Талабалар ўқув дастурида келтирилган амалий (семинар) машғулотларининг мавзуларидан тегишли тартибда танлаб олиб, бу мавзулар бўйича рефератлар ва мустақил ишлар тайёрлашлари ҳамда амалий машғулотни олиб боровчи профессор-ўқитувчи назоратида тайёрланган ишлар юзасидан оғзаки суҳбатдан ўтишлари лозим. Ушбу талаблар амалий машғулотлар мавзуларидаги юлдузча билан ажратиб кўрсатилган кичик мавзулар бўйича талабаларнинг тўлиқ ўзлаштиришларини белгилаб беради.

Аудитория машғулотлари турларининг соатлар ҳажми бўйича тавсиялар

Олий касбий таълимнинг давлат стандартларида мазкур курсга 168, шу жумладан, 56 маъруза, 56 амалий, 56 мустақил таълим соатлари ажратилган. "Солиқ қонунчилиги асослари" фани бўйича олинган билимлар талабаларни

кейинчалик амалий фаолиятда учрайдиган муаммоларни ечишда ҳамда замонавий иқтисодиётга доир адабиётларни ўрганиб, касбий малакаларини оширишларида кўл келади.

Талабалар билимини баҳолаш учун ўтказиладиган назорат тадбирлари миқдори

"Солиқ қонунчилиги асослари" фанидан талабаларнинг билимини баҳолаш тўрт марта оралик, тўрт марта жорий ҳамда якуний назорат шаклида ўтказилади. Якуний назорат ёзма иш шаклида ташкил этилади.

Компьютер, информацион ва бошқа замонавий ўқитиш технологияларини қўллаш

"Солиқ қонунчилиги асослари" фани ўқитишда компьютерлардан, аудио ва видео жиҳозлар, диджитал ва кодоскоплардан, шунингдек, дарс давомида турли жадваллар ҳамда слайдлардан фойдаланиш талаб этилади.

2. ФАН ДАСТУРИ

"Солиқ қонунчилиги асослари" фани бўйича маъруза машғулоти мавзулари

Солиқ ҳуқуқи тушунчаси, методи ва предмети

Солиқ тушунчаси ва унинг аҳамияти. Солиқ ҳуқуқининг ривожланишида ижтимоий-иқтисодий муҳит. Давлат бюджетининг солиқли ва солиқсиз даромадлари. Юридик нуқтаи назаридан солиқ. Бож ва йиғим тушунчалари. Солиқ турлари: бевосита ва билвосита, маҳаллий ва умумдавлат, умумий ва мақсадли, доимий ва бир мартабалик. Солиқ ҳуқуқи ҳақидаги қарашлар ва унинг таърифи.

Солиқ ҳуқуқининг ҳуқуқнинг бошқа тармоқлари билан муносабати

Солиқ ҳуқуқи умумий ҳуқуқ доирасида. *Солиқ ҳуқуқининг конституциявий ҳуқуқ билан алоқаси.*

Солиқ ҳуқуқининг идоралар ҳуқуқи билан муносабати. Солиқ ҳуқуқининг шахсий ҳуқуқ билан алоқаси.

Солиқ ҳуқуқий муносабатларининг асоси, келиб чиқиши ва таркиби

Солиқ тўғрисидаги қонун элементларининг ҳуқуқий аҳамияти ва тушунчалари. Солиққа тортиш субъекти. Солиққа тортиш объекти ва предмети. Солиқ кўлами ва солиқ базаси. Солиқларни тўлаш муддати. Солиқ базасини ҳисобга олиш усуллари. Солиққа тортиш бирлиги. Солиқ ставкаси. *Жисмоний шахсларнинг солиқ статуси. Солиқ манбаи. Давлат солиқ юрисдикцияси предмети.*

Солиқда ҳуқуқий муносабатларнинг ўзига хослиги, солиқнинг ҳуқуқий принциплари

Давлатнинг молиявий фаолияти ва молия ҳуқуқи. Молиянинг моҳияти. Молия тизими. *Молиявий фаолиятни амалга оширувчи органлар. Молия ҳуқуқи принциплари, молия ҳуқуқи манбалари. Давлат даромадларини ҳуқуқий тартибга солиш.* Молия ҳуқуқининг бошқа ҳуқуқ бўлимлари билан бўлган алоқалари ва таркиби.

Солиқ ҳуқуқининг (асослари) манбалари ва Ўзбекистон солиқ қонунчилиги тизими

Ўзбекистон Республикасида солиқ ҳуқуқи. Ўзбекистон Республикаси солиқ қонунлари. Ўзбекистон Республикасининг солиқ тизими. *Солиқ ҳуқуқининг асосий тамойиллари. Солиқ ҳуқуқи ва мустақил тизим. Солиқ қонунчилиги тушунчаси.*

Ўзбекистон Республикаси солиқ қонунчилиги тизими. Солиқлар тўғрисидаги қонунларни қабул қилиш ва амалиётда қўллаш. Конституциявий ҳуқуқ ва солиқ ҳуқуқи. Ўзбекистон Республикаси солиқ ҳуқуқи манбалари таркибида халқаро шартномалар.

Солиқ қонунларининг замон ва макон нуқтаи назаридан шахслар ўртасида ҳаракати

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг солиқ соҳасидаги ваколатлари. Ўзбекистон Республикаси Давлат Солиқ Қўмитасининг ташкил этилиши. Ўзбекистон Республикаси Давлат Солиқ Қўмитасининг ҳуқуқий базаси, таркиби. Давлат Солиқ Қўмитасини молиялаштириш. Давлат Солиқ Қўмитасининг ҳуқуқи ва вазифалари.

Солиқ тўловчиларни ҳисобга олиш бўйича вазифалар. Назорат ва текширишга доир бўлган ҳужжатлар. Текшириш шакллари. Текширишларни ўтказиш тартиби. Текшириш натижаларини ҳужжатлаштириш. Солиқ идораларининг солиқларни ҳисоблаш бўйича масъулиятлари. Солиқ қонунчилигини бузиш йўлидаги ишларга масъуллик. Солиқ қонунчилигини бузганларга қарши кўриладиган чоратadbирларга масъуллик. Валюталарни назорат қилишда солиқ идораларининг масъулияти. Солиқ органлари ва ходимларининг жавобгарликлари.

Ўзбекистон солиқ қонунчилиги тизимида солиқларни ҳисоблаш ва тўлаш муддатларининг назорати

Солиқни ҳисоблаш тартиби усуллари ва тўлаш муддатлари. *Солиқни ҳисобловчи шахслар. Солиқни ҳисоблаш усуллари. Солиқни декларациялар бўйича тўлаш. Солиқ тўлашнинг кадастр усули.* Солиқни тўлаш тартиби: тўловнинг тўлаш воситалари, тўлов тўлаш устидан назоратнинг аҳамияти ва ўзига хослиги.

Ҳозирги даврда солиқ қонунчилигини кодлаштириш муаммоси

Солиққа тортиш усуллари ва солиқ имтиёзлари. Баравар солиққа тортиш. Пропорционал солиққа тортиш. *Прогрессив солиққа тортиш. Прогрессив турлари: оддий разрядлар прогрессия, оддий нисбий прогрессия, мураккаб прогрессия, прогрессияларнинг ёпиқ тизими. Регрессив солиққа тортиш.* Солиққа тортиш. Солиқ имтиёзларининг моҳияти. Солиқ имтиёзларининг турлари: чиқариб ташлаш, солиқ кредитлари, ставкани пасайтириш, тўланган солиқларни ҳисобини ўтказиш, солиқ тўлашни кечиктириш.

Жаҳон Солиқ кодекси

Солиқ соҳасидаги халқаро ҳамкорликдан мақсад. Халқаро ҳуқуқ манбалари. *Халқаро миқёсда икки ёқлама солиққа тортиш муаммоларнинг юзага келиши ва уларни бартараф этиш йўллари. Халқаро солиқ битимлари. Халқаро солиқ шартномалари гуруҳлари.* Икки ёқлама солиққа тортилишини бартараф қилиш усуллари. Солиқдан озод этиш принциплари, кредит принципи. Жаҳон солиқ кодексининг мазмуни, таркиби ва унинг тузилиш тамойиллари.

Солиқсиз ҳудудлар ва солиқдан қочиш

Солиқ қонунчилигини бузиш тушунчаси ва моҳияти: солиқ тизимига нисбатан қонунбузарлик, солиқ тўловчиларнинг ҳақ-ҳуқуқ ва эркинликларига кўра қонунбузарлик. Солиқ тўловчи мажбуриятларининг бажарилиш кафолатлари тизимига қарши қонунбузарлик. Давлат бюджети даромадлар қисмининг бажарилишига қарши қонунбузарлик. Солиқ идораларининг назорат функциясига қарши қонунбузарлик. Бухгалтерия ҳисобини юритиш, бухгалтерия ва солиқ ҳисобларини бажарилишига қарши қонунбузарлик. Солиқ тўлашдан бош тортиш. Солиқ тўловчи манфаатларини ҳимоя усуллари: маъмурий, арбитраж.

Иқтисодиёт ва солиқ соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ариза, хабар ва бошқа маълумотларни қабул қилиш ҳал этиш ва уларни процессуал расмийлаштириш

Иқтисодиётга тааллуқли бўлган ҳуқуқбузарликлар, солиққа оид ҳуқуқбузарликлар таснифи. Солиққа оид ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги аризанинг мазмуни, хабар ва бошқа маълумотларни қабул қилиш тартиби.

Қонунчиликнинг моҳияти ва тамойиллари

Жамият ижтимоий - иқтисодий ҳаётида қонунийлик ҳамда муносабатлар доирасини белгиловчи омиллар. *Муносабатларни гуруҳлаш. Қонунчиликни*

муносабатларга кўра қўлланилиши қўлами. Қонунчилик тамойилларини белгилаш асослари.

3. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАВЗУЛАРИНИНГ МАЗМУНИ

Солиқ ҳуқуқи тушунчаси, методи ва предмети

Солиқ тушунчаси ва унинг аҳамияти. Солиқ ҳуқуқининг ривожланишида ижтимоий-иқтисодий муҳит*. Давлат бюджетининг солиқли ва солиқсиз даромадлари. Юридик нуқтаи назаридан солиқ. Бож ва йиғим тушунчалари. Солиқ турлари. Солиқ ҳуқуқи ҳақидаги қарашлар ва таърифи*.

Солиқ ҳуқуқининг ҳуқуқнинг бошқа тармоқлари билан муносабати

Солиқ ҳуқуқи умумий ҳуқуқ доирасида. Солиқ ҳуқуқининг конституциявий ҳуқуқ билан бўлган алоқаси*.

Солиқ ҳуқуқининг идоралар ҳуқуқи билан муносабати. Солиқ ҳуқуқининг шахсий ҳуқуқ билан алоқаси*.

Солиқ ҳуқуқий муносабатларининг асоси, келиб чиқиши ва таркиби

Солиқ тўғрисидаги қонун элементларининг ҳуқуқий аҳамияти ва тушунчалари*. Солиққа тортиш субъекти. Солиққа тортиш объекти ва предмети. Солиқ қўлами ва солиқ базаси. Солиқларни тўлаш муддати. Солиқ базасини ҳисобга олиш усуллари. Солиққа тортиш бирлиги. Солиқ ставкаси. Жисмоний шахсларнинг солиқ статуси. Солиқ манбаи. Давлат солиқ юрисдикцияси предмети*.

Солиқда ҳуқуқий муносабатларнинг ўзига хослиги, солиқнинг ҳуқуқий принциплари

Давлатнинг молиявий фаолияти ва молия ҳуқуқи*. Молиянинг моҳияти. Молия тизими. Молиявий фаолиятни амалга оширувчи органлар. Давлат даромадларини ҳуқуқий тартибга солиш. Солиқ ҳуқуқининг бошқа ҳуқуқ бўлимлари билан бўлган алоқалари ва таркиби*.

Солиқ ҳуқуқининг (асослари) манбалари ва Ўзбекистон солиқ қонунчилиги тизими

Ўзбекистон Республикаси солиқ ҳуқуқи*. Ўзбекистон Республикаси солиқ қонунлари. Ўзбекистон Республикаси солиқ тизими. Солиқ ҳуқуқининг асосий тамойиллари. Солиқ қонунчилиги тушунчаси.

Ўзбекистон Республикаси солиқ қонунчилиги тизими. Конституциявий ҳуқуқ ва солиқ ҳуқуқи*. Ўзбекистон Республикаси солиқ ҳуқуқи манбалари таркибида халқаро шартномалар.

Солиқ қонунларининг замон ва макон нуқтаи назаридан шахслар ўртасида ҳаракати

Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлигининг солиқ соҳасидаги ваколатлари*. Ўзбекистон Республикаси Давлат Солиқ қўмитасининг ташкил этилиши. Ўзбекистон Республикаси Давлат Солиқ қўмитасининг ҳуқуқий базаси, таркиби. Давлат солиқ қўмитасини молиялаштириш. Солиқ тўловчиларни ҳисобига олиш бўйича вазифалар. Назорат ва текширишга доир бўлган ҳужжатлар. Текшириш шакллари. Текширишларни ўтказиш тартиби*. Текшириш натижаларини ҳужжатлаштириш. Солиқ қонунчилигини бузиш йўлидаги ишларга масъуллик*. Солиқ қонунчилигини бузганларга қарши кўриладиган чоратадбирларга масъуллик. Валюталарни назорат қилиш солиқ идораларининг масъулияти. Солиқ органлари ва ходимларининг жавобгарликлари.

Ўзбекистон солиқ қонунчилиги тизимида солиқларни ҳисоблаш ва тўлаш муддатларининг назорати

Солиқни ҳисоблаш тартиби усуллари ва тўлаш муддатлари. Солиқни ҳисобловчи шахслар. Солиқни декларациялар бўйича тўлаш*. Солиқни тўлаш тартиби: тўловнинг тўлаш воситалари, тўлов тўлаш устидан назоратнинг аҳамияти ва ўзига хослиги.

Ҳозирги даврда солиқ қонунчилигини кодлаштириш муаммоси

Солиққа тортиш усуллари ва солиқ имтиёзлари. Пропорционал солиққа тортиш*. Прогрессив солиққа тортиш. Прогрессив турлари. Регрессив солиққа тортиш. Солиқ тортиш. Солиқ имтиёзларининг моҳияти. Солиқ имтиёзларининг турлари: чиқариб ташлаш, солиқ кредитлари, ставкани пасайтириш, тўланган солиқларни ҳисоби ўтказиш, солиқ тўлашни кечиктириш*.

Жаҳон солиқ кодекси

Солиқ соҳасидаги халқаро ҳамкорликдан мақсад. Халқаро ҳуқуқ манбалари*. Халқаро миқёсда икки ёқлама солиққа тортиш муаммоларининг юзага келиши ва уларни бартараф этиш йўллари. Халқаро солиқ битимлари. Икки ёқлама солиққа тортилишини бартараф қилиш усуллари*. Солиқдан озод этиш принциплари, кредит принципи. Жаҳон Солиқ кодексининг мазмуни, таркиби ва унинг тузилиш тамойиллари.

Солиқсиз ҳудудлар ва солиқдан қочиш

Солиқ қонунчилигини бузиш тушунчаси ва моҳияти: солиқ тизимида нисбатан қонунбузарлик, солиқ тўловчиларнинг ҳақ-ҳуқуқ ва эркинликларига кўра қонунбузарлик. Солиқ тўловчи мажбуриятларини бажарилиш кафолатлари

тизимига қарши қонунбузарлик*. Солиқ идораларининг назорат функциясига қарши қонунбузарлик.

Бухгалтерия ҳисобини юритиш, бухгалтерия ва солиқ ҳисобларини бажарилишига қарши қонунбузарлик*. Солиқ тўлашдан бош тортиш. Солиқ тўловчи манфаатларини ҳимоя усуллари.

Иқтисодиёт ва солиқ соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ариза, хабар ва бошқа маълумотларни қабул қилиш ҳал этиш ва уларни процессуал расмийлаштириш

Иқтисодиётга тааллуқли бўлган ҳуқуқбузарликлар, солиққа оид ҳуқуқбузарликлар таснифи*. Солиққа оид ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ариза мазмуни, хабар ва бошқа маълумотларни қабул қилиш тартиби.

Қонунчиликнинг моҳияти ва тамойиллари

Жамият иқтисодий-ижтимоий ҳаётида қонунийлик ҳамда муносабатлар доирасини белгиловчи омиллар*. Муносабатларни гуруҳлаш. Қонунчилик тамойилларини белгилаш асослари.

4. ИНФОРМАЦИОН-ТЕХНИК ВОСИТАЛАР

Бу фанни ўқитиш жараёнида қуйидаги замонавий техник воситалардан фойдаланиш белгиланган.

1. Компьютер;
2. Аудио ва видео жиҳозлар;
3. Диопроектор;
4. Кодаскоп;
5. Интернет тармоғи сайтлари:

- E-mail: mail@finstat.ru
<http://www.finstat.ru/>
- E-mail: valeo@etel.ru

5. ЎЗЛАШТИРИШ НАЗОРАТИ

Фан бўйича талабаларнинг ўзлаштиришларини баҳолаш семестр (ўқув йили) давомида мунтазам равишда олиб борилади ва қуйидаги турлар орқали амалга оширилади:

- жорий баҳолаш (ЖБ);

- оралик баҳолаш (ОБ);
- якуний баҳолаш (ЯБ).

ЖБ ва ОБ турлари учун белгиланган баллар миқдори ўқув режасида фанга семестр (ўқув йили) учун ажратилган соатнинг 70 фоизи, якуний баҳолаш эса 30 фоиз миқдорида белгиланади.

Фан бўйича дастур тўла ўтилгандан кейин талаба ЯБ "Ёзма иш" шаклида (ўқув режасига кўра) топширади.

Таянч тушунчаларга асосланган ёзма ишни ўтказиш тартиби "Рейтинг тузишнинг якуний баҳолаш босқичида" "ёзма иш" усулини татбиқ этиш бўйича Намунавий Низом билан белгиланади. Семестр (ўқув йили) давомида ўқитилган фан бўйича максимал, 55 ва унда юқори фоиз миқдорида балл тўплаган талаба қониқарли ўқиётган ҳисобланади. Фан бўйича максимал баллнинг 55 фоизидан кам балл тўплаган талаба қониқарсиз ўқиётган (академик қарздор) ҳисобланади.

6. АДАБИЁТЛАР

Асосий адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. -Т.: Адолат, 1999.
2. Ўзбекистон Республикасининг Солиқ Кодекси. -Т.: Адолат, 1999.
3. Каримов И.А. Ўзбекистон Буюк келажак сари. -Т.: Ўзбекистон, 1998.
4. Каримов И.А. Ўзбекистон: Миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. -Т.: Ўзбекистон, 1996.
5. В.Беганов, М.Қуролов, Д.Шаулов, У.Кан. Финансовая политика, налоги и налогообложение. -Т.: Мир экономики и право, 1998.
6. Бризгалин А.В. Налоги и налоговое право. -М.: Аналитика пресс, 1999.
7. Йўлдошев М., Турсунов Й. Солиқ ҳуқуқи, -Т.: Меҳнат, 2000.
8. Налоги и налогообложение. Практикум. Учеб. пос. -М.: Аналитика пресс, 2000.
9. Шаулов Д., Кан У. Солиқ қонунчилиги асослари. -Т.: Иқтисодиёт ва ҳуқук дунёси, 2000.
10. Хван Л. Солиқ ҳуқуқи. -Т.: Консаудитинформ, 2000.

Қўшимча адабиётлар

1. Маҳсулот (иш, хизмат) ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисидаги Низом. 1999 йил 5 феврал. -Т.: Ўзбекистон бухгалтерлар ва аудиторлар ассоциацияси нашриёт маркази.

2. Ўзбекистон Республикаси Солиқ қонунчилиги бўйича норматив актлар тўплами. 1-2 қисм. -Т.: Ўзбекистон, бухгалтерлар ва аудиторлар ассоциацияси нашриёт маркази, 2002.
3. 2003 йил солиқлари ва мажбурий тўловлар бўйича маълумотнома. -Т.: Ўзбекистон бухгалтерлар ва аудиторлар ассоциацияси нашриёт маркази, 2003.
4. "Бюджет тизими тўғрисида" Ўзбекистон Республикасининг Қонуни // Халқ сўзи газетаси, 2000 йил 27 сентябрь.
5. Ўзбекистон Республикасининг "Чет эл инвестициялари тўғрисида"ги қонуни. 1998 йил 30 апрель. Ўзбекистон Республикаси (Солиқ тўловчининг журнали 1998 йил 6-сон).
6. Ўзбекистон Республикасининг "Тадбиркорлик ва тадбиркорлар фаолиятининг кафолати тўғрисида" қонуни. Ўзбекистоннинг янги қонунлари. – Т.: Адолат, 1999.
7. Яхёев Қ. Ўзбекистоннинг солиқли ва солиқсиз тўловлари. - Т., 1999.
8. Налоги. Учеб. пос. (Под. ред. Д. Г. Черника) –М.: Финансы и статистика, 1998.
9. Черник Д. Налоги и рыночной экономике. –М.: Юнити, 2000.